

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУСАЕВ ХУСНИДДИН БАХТИЁРОВИЧ**

**НАНОТУЗИЛИШЛИ МЕТАЛЛ ОКСИДЛАРИНИНГ ОЛИНИШИ ВА  
УЛАРНИНГ ЭКОҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**02.00.04 - Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
chemical sciences**

**Мусаев Хусниддин Бахтиёрович**

Нанотузилишли металл оксидларининг олиниши ва уларнинг  
экоқўлланилиши..... 3

**Мусаев Хусниддин Бахтиёрович**

Получение наноструктурных оксидов металлов и их  
экоиспользование..... 21

**Musaev Khusniddin Bakhtiyorovich**

Preparation of nanostructured metal oxides and their ecoapplication..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУСАЕВ ХУСНИДДИН БАХТИЁРОВИЧ**

**НАНОТУЗИЛИШЛИ МЕТАЛЛ ОКСИДЛАРИНИНГ ОЛИНИШИ ВА  
УЛАРНИНГ ЭКОҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**02.00.04 - Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/K19 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.ik-kimyo.nuu.uz](http://www.ik-kimyo.nuu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Рўзимуратов Олим Нарбекович кимё фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Абдурахмонов Эргашбой Кимё фанлари доктори, профессор  Шансламов Улугбек Алишерович Техника фанлари бўйича фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгаşнинг 2021 йил «20» апрел соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).


Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 10 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил « 03 » апрел кунини таркатилди.  
(2021 йил « 03 » апрел даги 4 - рақамли реестр баённомаси).



З.А. Сманова  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби к.ф.д.

 М.Г. Мухамедиев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д., профессор

## **Кириш (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида саноатни жадал ривожлантиришда, экологик муаммоларни ҳал этишда, рақобатбардош ва экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллаш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Кейинги ўн йиллар давомида нанотехнологиялар орқали инновацион ёндашув асосида иқтисодий ривожланиш муҳим ҳисобланиб, ушбу технологиялар асосида саноатда зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда. Бундай жараёнларда нанотехнологияларни қўллаш орқали наноўлчамли материалларни яратиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини янада яхшилаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда кимё саноатида нанотузилишли материалларни олишда золь-гель технологиясини қўллаш эса юқори тозалик даражасига эга бўлган, гомоген шароитларда, паст ҳароратларда кимёвий жараёнлар ўтказишни ҳамда қатор ўзгарувчан валентли металл оксидларини реакцион системага киритишни таъминлайди. Ғовакли материалларни олиш ва уларни самарали қўллаш атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ бўлган турли муаммоларни ҳал этишда яхшиланган хоссага эга бўлган янги турдаги сорбцион-фотокаталитик материалларни яратиш имкониятларини очади. Бу, айниқса, саноат миқёсида оқва сувларни замонавий усулларда, жумладан, ғовакли нанотузилишли материалларни қўллаган ҳолда тозалашда яққол намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда саноатнинг турли соҳаларига замонавий технологияларни киритиш, модернизация қилиш ва улар асосида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга асосланган саноат корхоналари ишга туширилмоқда. Бундай корхоналарга сувни тайёрлашда ва оқва сувларини тозалашда турли шаклдаги адсорбцион материаллар кенг қўлланилади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар олиш технологияларини ўзлаштириш ва такомиллаштириш” вазифалари белгилаб берилган. Бу ғовакли материалларни олиш ва уларни самарали қўллаш атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ бўлган турли муаммоларни ҳал этишда яхшиланган хоссага эга бўлган янги турдаги сорбцион-фотокаталитик материалларни яратиш имкониятларини очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «Республикаимизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон фармони, 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805 сон ва 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизими

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4884 Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда кўринувчан ва ультрабинафша соҳаларида қўлланиладиган истиқболли фотокатализаторлар яратиш устидаги бир қатор хориж олимлари K.Domen, A.Kudo, T.Ihara, M.Ando, R.Asahi ларнинг илмий изланишлари қуёш нурлари таъсирида ҳам турли соҳаларда, шу жумладан, фотоэлектрокимёвий ва экоаналитик жараёнларда  $TiO_2$  асосидаги кукунлар ва юпқа плёнкаларидан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб ўтганлар. Сўнгги йилларда допирланган  $TiO_2$  асосидаги илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, жумладан, K. Nakanishi ва илмий жамоаси томонидан бу борада бир қатор амалий ишлар амалга оширилган. A. Kubacka, M. Hojamberdiev, A. Gurlo, R. Riedel каби олимлар анион ёки катионлар тутган  $TiO_{2-x}D_x$  иккинчи авлод фотокатализаторларида адсорбцион ютилиш соҳасини паст энергияли соҳага силжиши орқали юза қатламда борадиган редокс реакцияларининг фотоник фаоллиги ошишини асослаб беришган.

Бугунги кунда Республикамизда нанокимё ва нанотузилиш соҳаси бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари жадал ривожланиб келмоқда. Х.И. Акбаров ва унинг жамоаси томонидан золь-гель усули ёрдамида полимер-кремнезем ҳосил бўлишининг термодинамик параметрлари тадқиқ қилинган. Х.Т. Шарипов ва З.Ч. Кадировалар турли металллар билан бойитилган титан диоксиди ҳамда фаоллаштирилган углеродли функционал материаллар олишган, шунингдек уларнинг сорбцион ҳамда фотокаталик хоссалари таҳлил қилинган. А.М. Насимов ва Э. Абдурахмановлар томонидан золь-гель усули орқали кимёвий сенсорларнинг селективлигини ошириш йўллари аниқланган. М.Г. Мухамедиев ва унинг илмий гуруҳи аъзолари функционаллаган полимерлар асосида янги авлод ион-алмашинувчи материалларни саноат оқава сувларини қайта ишлаш жараёнига татбиқ қилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “МУ-ФЗ-20171025150 - Золь-гель усулида нанотузилишли металл оксидларининг олиниши ва уларнинг органик синтез реакцияларида қўлланилиши” мавзусидаги ёш олимлар фундаментал (2018-2019 йй.) лойиҳаси илмий-тадқиқот дастурлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** золь-гель усули орқали Ni, Cr, Si оксидлари ва титан диоксиди асосида наноматериаллар синтез қилиш, уларнинг текстуравий ва физик-кимёвий хоссаларини ҳамда экоқўлланилиш имкониятларини аниқлашдан иборат.

### **Тадқиқот вазифалари:**

золь-гель усули ёрдамида металллар билан допирланган титан диоксид ҳамда унинг силикагель билан нанокөмпозитлари синтези амалга ошириш ва жараён боришини тадқиқ қилиш;

синтез қилинган наноматериалларнинг текстуравий ва физик-кимёвий хоссалари физикавий тадқиқот усуллари (инфрақизил, ултрабинафша спектроскопиялари, сканерловчи электрон микроскопияси, рентген анализи, азот адсорбцияси) ёрдамида ўрганиш ва таҳлил қилиш;

олинган нанотузилишли материалларнинг ғоваклик ўлчамлари, N<sub>2</sub> адсорбцияси термодинамик параметрлари, фотокаталитик фаоллиги ва механизмини ўрганиш;

синтез қилинган нанокөмпозитларнинг зарарли органик бирикмалар, шу жумладан, фенол ва унинг ҳосилалари адсорбцияси ва фотодеградациясида, шунингдек органик синтез реакцияларида қўлланилишини амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** титан диоксиди ва унинг баъзи 3d - металлари (Ni ва Cr) ҳамда силикагель билан көмпозитлари, улар асосидаги гетеротузилишли наноматериаллар, ўтиш металлари титанатлари, фенол ва унинг ҳосилаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** титан диоксиди асосидаги никель, хром металлари ва силикагель билан ҳосил қилган нанокөмпозит материаллар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Ишда микроскопия, спектроскопия, термик, рентгенофазавий ва адсорбция каби комплекс физик-кимёвий тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бир босқичли золь-гель технологияси орқали ғовакли титан диоксиди, 3d-металлари ҳамда силикагель асосида нанотузилишли материаллар олиш усуллари яратилган;

Ni ва Cr металлари билан допирланган ғовакли TiO<sub>2</sub> нанокөмпозитларининг мақсадли синтези амалга оширилган ва мазкур 3d - металлари билан допирлаш орқали олинган нанокөмпозитлар ёрдамида ёруғликнинг кўринувчан соҳасида органик зарарли моддалар фотодеградацияси асосланган;

золь-гель технологияси ёрдамида олинган титан диоксиди, 3d - металлари ҳамда силикагель асосидаги адсорбентлар билан фенол ва унинг ҳосилаларининг ўзаро таъсирлашиш механизми исботланган;

адсорбцион-фотокаталитик реакцияларнинг механизмига, органик зарарли моддаларнинг фотодеградациясига адсорбент/фотокатализаторлар табиати ҳамда ғоваклилик эффекти таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

3d - металлари иштирокида титан диоксиди асосида нанотузилишли ғовакли материаллар синтезининг оптимал усуллари ишлаб чиқилган;

никел ва хром билан моно ва ко-допирланган титан диоксиди нанокөмпозитлари саноат чиқинди сувларини заҳарли органик бирикмалардан адсорбцион ва фотокаталитик тозалашда қўлланилган;

юқори миқдордаги фенол ва унинг ҳосилаларини ажратиш ва аниқлаш учун макро-мезоғовакли адсорбент/фотокатализаторлар яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** бир босқичли золь-гель синтези асосида олинган тажриба натижалари рентгенография, ЭДС усули, сканерловчи электрон микроскопия, трансмиссион электрон микроскопия, оптик микроскопия, УБ-, ИҚ-, масс-спектроскопия, азот адсорбцияси каби тадқиқот усуллари жамланмаси билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бир босқичли золь-гель жараёни бўйича титан диоксиди асосида нанотузилишли ғовакли материаллар синтезининг асосларини ишлаб чиқиш, ғоваклар ҳосил бўлиши механизмларини келтириш ва 3d - металлари тутган ғовакли TiO<sub>2</sub> нанокомпозити ва унинг асосида гетеротузилишли материаллар олишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти TiO<sub>2</sub> асосида яхшиланган текстуралари хусусиятларга эга бўлган ғовакли композитларни синтез қилиш, оқава сувлар таркибидаги фенол ва унинг ҳосилалари бўлган заҳарли органик бирикмаларни адсорбцион ва фотокаталитик усуллар билан аниқлаш усуллари яратиш ҳамда турли атроф-муҳит объектлари (оқава ва ичимлик сувлари, тупроқ, ҳаво ва бошқалар) таҳлилида янги макро-мезоғовакли системаларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Титан диоксиди асосида нанотузилишли металл оксидларининг золь-гель синтези ва экоқўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

металл оксидли наноматериаллар олиш жараёни ва уларнинг қўлланилиш усуллари Дармштадт техника университети «Суяк тўқимасини тиклаш учун юқори биофаолликка эга полимер асосидаги керамика ва шиша-органик композицияларни ишлаб чиқиш ва тавсифлаш» мавзусидаги халқаро илмий лойиҳасида ғовакли металл оксиди наноматериалларини олишда фойдаланилган (Дармштадт техника университетининг (Германия) 2020 йил 20 августдаги маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган усул шиша-органик композицияларнинг хоссаларини яхшилаш имконини берган;

3d - металлари тутган ғовакли TiO<sub>2</sub> композитлари саноат чиқинди сувларини тозалашда таркибида ифлослантирувчи фенол ва унинг ҳосилаларининг миқдорини камайтириш учун «Газли нефт ва газ қазиб чиқариш» бошқармаси амалиётига жорий этилган («Газли нефт ва газ қазиб чиқариш» бошқармасининг 2020 йил 17 ноябрдаги маълумотномаси). Натижада, TiO<sub>2</sub> асосидаги композитлар саноат чиқинди сувларини таркибидаги фенол ва унинг ҳосилаларининг миқдорини 30% гача камайтириш имконини берган;

золь-гель усулида синтез қилинган ғовакли титан диоксиди-силикагель нанокомпозитлари МУ-ФЗ-20171025169 рақамли «Нафтолларнинг аллил эфирлари изомеризациясини ўрганиш» мавзусидаги ёш олимлар фундаментал лойиҳасида нафтолларни аллиллашда асос (ташувчи) катализатор сифатида фойдаланилган (Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 июлдаги маълумотномаси). Натижада, янги турдаги катализаторларни қўллаш



юқори унум билан нафтолларнинг аллил эфирлари ва изомеризация маҳсулотларини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола республика, 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.<sup>2</sup>

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Титан диоксида асосида материалларнинг олиниши ва физик-кимёвий хоссалари**» деб номланган биринчи бобида золь-гель жараёни орқали махсус йўналтирилган ғовакли  $TiO_2$  асосидаги нанотузилишли фотокатализаторлар синтезининг нанотехнологик ва материаллар кимёси жараёнлари ҳақидаги умумий маълумотлар, сувни юқори сифатли қайта ишлаш жараёнларини ривожлантириш учун нанотузилишли  $TiO_2$  катализаторларнинг кенг қамровли кўлланилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Титан диоксида асосидаги материаллар золь-гель синтези**» деб номланган иккинчи бобида титан диоксида асосида нанотузилишли материаллар олиш усули, уларнинг физик-кимёвий, адсорбцион ва фотокаталитик хоссалари келтирилган. Бунда асосан қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратилган: турли гидролитик агентлар иштирокида титан диоксида асосида нанотузилишли материаллар олиш; темплатдан фойдаланган ҳолда ғовакликнинг ўлчами ва шаклланишини тартибга солиш; материалларнинг солиштирма юзаси ва кристаллигини ошириш ва уларни кўллаш орқали юқори даражадаги фотокаталитик жараёнларни тадқиқ қилиш; металллар билан допирланган ғовакли  $TiO_2$  нанокомпозитлари синтези ва уларнинг турли соҳаларда, жумладан


---

<sup>2</sup> Муаллиф, диссертация ишини бажаришда берган илмий маслаҳатлари учун, кимё фанлари доктори, проф. Х.И. Акбаровга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

кўринувчан нур таъсирида оқова сувларни адсорбцион ва фотокаталитик қайта ишлаш усулларига бағишланган.

Диссертациянинг «Титан диоксида асосида ғовакли материаллар шаклланишининг физик-кимёвий хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида титан диоксида асосидаги материалларнинг тақиқланган соҳа кенглигини камайтириш ва ёруғликнинг кўриниш спектрида ютилишини яхшилаш мақсадида, электрон тузилишини ўзгартиришга эътибор қаратилган. Ишда тўлиқ шаклланган ғовакли ва кристаллик тузилишли никель ва хром билан моно ва ко-допирланган титан диоксида асосидаги наноматериалларини тайёрлаш жараёни кўрсатилган.

Никел ва хром билан моно ва ко-допирланган  $\text{TiO}_2$  нанокристаллари рентген дифракцияси натижалари намуналарда анатаз фазали интенсив дифракцион чўққиларга эга эканлиги аниқланган (1а-расм).




**1-расм. Никел ва хром билан моно ва ко-допирланган титан диоксида (а) дифрактограммалари ва (б) Раман спектрлари (• - анатаз  $\text{TiO}_2$ , ■ -  $\text{NiTiO}_3$ )**

Раман спектроскопияси бўйича  $\text{TiO}_2$  анатаз модификациясига мос келадиган спектр чизиқларининг металллар миқдори ортиши билан кенгайиши кузатилган.  $\text{TiO}_2$  панжарасига  $\text{Ni}^{2+}$  ва  $\text{Cr}^{3+}$  ни киритиш орқали  $\text{Ti}^{4+}$  ни қисман алмаштириш ёки оралиқ ҳолатга ўтиши натижасида  $\text{Ti}^{4+}$ ,  $\text{Cr}^{3+}$  ва  $\text{Ni}^{2+}$  орасидаги ион радиусларининг фарқи ҳисобидан анатаз панжарасининг деформациясига олиб келади ва бунга боғлиқ бўлган кучланиш энергияси туфайли тахминан  $158 \text{ cm}^{-1}$  ( $E_g$  (1)),  $196 \text{ cm}^{-1}$  ( $E_g$  (2)),  $395 \text{ cm}^{-1}$  ( $B_{1g}$  (1),  $513 \text{ cm}^{-1}$  ( $A_{1g} + B_{1g}$  (2)) ва  $639 \text{ cm}^{-1}$  ( $E_g$  (3)) чўққиларнинг силжиши кўрсатилган (1б-расм).

Никел ва хром билан допирланган  $\text{TiO}_2$  ғовакли материаллар абсорбцион чегаралари  $\sim 520\text{-}750$  нм оралиғида бўлиб, электромагнит ютилиш спектрининг кўриниш соҳасига мос келади, бу эса 3d-металлари билан модификацияланган  $\text{TiO}_2$  асосидаги материаллар кўринувчан нурда фаол

бўлишини билдиради. Кўринувчан нур соҳасидаги абсорбция  $\text{TiO}_2$  панжарасида никел ва хром атомларининг оралиқ ёки алмашинган ҳолатда жойлашиши сабабли ортади. 3d-металлари билан модификацияланган  $\text{TiO}_2$  ғовакли материалларининг ҳисобланган таъқиқланган энергетик соҳасининг оптик кенгликлари дастлабки  $\text{TiO}_2$  учун 3,11 эВ, T-5Ni<sub>500</sub>, T-2.5Ni2.5Cr<sub>500</sub>, T-5Ni5Cr<sub>500</sub>, T-10Ni<sub>500</sub>, T-5Cr<sub>500</sub> ва T10Cr<sub>500</sub> нанокристаллари учун мос равишда 2,23; 2,18; 2,06; 1,98; 1,84; ва 1,58 эВ га тенг бўлиши аниқланди (2-расм).



а


б

**2-расм. Никел ва хром билан моно ва ко-допирланган титан диоксида (а) УФ-кўриниш соҳаси спектрлари ва (б) Тауц ва Урбах эгри чизиқлари (қора -  $\text{TiO}_2$ , кўк - Cr-допирланган  $\text{TiO}_2$ , яшил – Ni-допирланган  $\text{TiO}_2$ , қизил – Cr ва Ni-ко-допирланган  $\text{TiO}_2$ )**

Абсорбция спектрлари шуни кўрсатадики, синтез қилинган намуналар 400-550 нм оралиғида битта ютилиш пикига эга. Ушбу ютилиш чўққиси 2p О ҳолатидан 3d Тi томонига қўзғалган электронлар ўтиши билан боғлиқ бўлиб, ко-допирланган намуналарда 400 дан 800 нм гача оралиқда кенг чўққиларни намоён қилади. Хром билан допирланган  $\text{TiO}_2$  нанокристаллари иккита чўққини кўрсатиб, 400 дан 600 нм оралиғидаги биринчи чўққиси электронлар асосий ҳолатдан  $^4A_2 (F) \rightarrow ^4T_1 (F)$  қўзғалган ҳолатига ўтиши билан боғлиқ бўлса, тахминан 720 нм бўлган чўққи хром ионлари ички марказлашган  $^4A_2 (F)$

→  ${}^4T_1$  (P) ўтишлар билан боғлиқ деган хулосага келинади. Бу эса, хром ионлари  $d-d$  электрон ўтишининг  $Cr^{+3}$  оксидланиш ҳолатида бўлганида, октаэдрал кристаллик майдон таъсирида туришини кўрсатади. Таркибида никел миқдори юқори бўлган  $TiO_2$  нанокристалларида ( $Ti_{10}Ni_{500}$  ва  $Ti_5Ni_5Cr_{500}$ ) кўринадиган соҳаси 750 нм да чўққи аниқланган бўлиб, электронлар ўтиши гибридланган  $O\ 2p \rightarrow Ni\ 3d$  орбиталларига боғлиқлиги келтирилган. Кодофирланган  $TiO_2$  нинг фотолюминесценция спектрида 400-550 нм оралиғида кенг соҳали нурланиш интенсивлиги бўлиб, ушбу ўтиш кўзғатилган электронларнинг  $3d\ Ti$  дан  $2p\ O$  ҳолатига релаксациясига тўғри келади.

Таркибида 5-10 масс.% 3d металллар тутган  $TiO_2$  намуналари СЭМ билан ўрганилганда узлуксиз ғовакли ноорганик тузилишли ўхшаш морфологиялар мавжудлигини кўрсатади (3-расм).




**3-расм. Тоза ва дофирланган  $TiO_2$  наноматериалларининг СЭМ расмлари: (а-с)  $TiO_2$ ; (в-д)  $Ni-TiO_2$ ; (е-ж)  $Ni-Cr-TiO_2$ .**

Дастлабки ва никел дофирланган  $TiO_2$  материалининг азот адсорбцион-десорбцион изотермалари IV типдаги H3 гистерезис халқали изотерма

ҳисобланиб, анатаз кристалларининг оралик мезоҶоваклардаги капилляр конденсациясини намойиш этади.

БЭТ ўлчашлари орқали топилган текстуравий параметрлар никел ва хром билан моно ва ко-допирланган  $\text{TiO}_2$  солиштирма сирт юзаси (230-250  $\text{м}^2/\text{г}$ ) дастлабки  $\text{TiO}_2$  намунасига (145  $\text{м}^2/\text{г}$ ) нисбатан юқори қийматга эга эканлигини кўрсатди (2-жадвал). Бу эса синтез жараёнида  $\text{TiO}_2$  структурасига допирланган металллар муҳим ўрин тутиши ва унинг кристалл зарралари ўсишини чеклашини билдиради.



4-расм. Ni допирланган  $\text{TiO}_2$  нанозаррачаларининг  $\text{N}_2$  адсорбция-десорбция изотермалари

2- жадвал

Золь-гель усулида олинган намуналарининг текстуравий тавсифлари

Намуналар	Me допед (масс.%)	$S_{\text{БЭТ}}$ $\text{м}^2 \text{г}^{-1}$	$V_{\text{Ҷоваклар}}$ $\text{см}^3 \text{г}^{-1}$	$D_{\text{ВЛН}}$ $\text{Å}$	$D_{\text{БЭТ}}$ $\text{Å}$
$\text{TiO}_2$	-	145	0.09	<17	25
Ni- $\text{TiO}_2$	5	232	0.299	40	50
Cr- $\text{TiO}_2$	5	230	0.280	40	49
Ni, Cr- $\text{TiO}_2$	10	250	0.298	39	48

Шунингдек, мазкур бобда силикагель-титанли ( $\text{SiO}_2\text{-TiO}_2$ ) Ҷовакли материаллар органик темплат ёки структура ҳосил қилувчи агент сифатида полиэтиленгликол (ПЭГ) иштирокида кремний (ТЭОС) ва титан (ТБОТ) алкоксидларининг золь-гель реакциялари орқали синтез қилинди ва тадқиқ


этилди ҳамда жараён 350<sup>0</sup>С га яқин ҳароратда термик ишлов бериш ёрдамида темплатни чиқариб юбориш билан давом эттирилди.

3-Жадвалда SiO<sub>2</sub>-TiO<sub>2</sub> намуналарининг турли ҳароратлардаги ПЭГ400 темплатини чиқариб юборишдан олдин ва ундан кейинги ғоваклик кўрсаткичлари келтирилган. Темплати чиқариб юборилмаган намуналарда БЭТ сирт юзаси ва ғоваклар ҳажми кичик қийматларга эга. Термик ишлов берилгандан сўнг сирт юзаси ва ғоваклар ҳажми кескин равишда ортади. SiO<sub>2</sub>-TiO<sub>2</sub> намуналарининг сирт юзаси мос арвишда 387 ва 295 м<sup>2</sup> г<sup>-1</sup> ва ғоваклар ҳажми 0,18 и 0,14 см<sup>3</sup> г<sup>-1</sup> ни ташкил этди. Бу натижалар силикагел-титанли наноғовак материаллар учун етарлича юқори ҳисобланади.

**3-жадвал**

**SiO<sub>2</sub>-TiO<sub>2</sub> намуналарининг турли ҳароратлардаги ПЭГни чиқариб юборишдан олдин ва ундан кейинги ғоваклик кўрсаткичлари**

Намуна	T, °C	S <sub>сол</sub> м <sup>2</sup> г <sup>-1</sup>	V <sub>ғовак</sub> см <sup>3</sup> г <sup>-1</sup>	D <sub>ВЛН</sub> нм	D <sub>ўрта</sub> нм
ПЭГ/SiO <sub>2</sub> -TiO <sub>2</sub>	100	9	0.07	84	-
ПЭГ/SiO <sub>2</sub> -TiO <sub>2</sub>	350	387	0.18	3	2
ПЭГ/SiO <sub>2</sub> -TiO <sub>2</sub>	550	295	0.14	4	2



**5-расм. Турли ҳароратларда наноғовакли силикагель-титан диоксида композитининг темплат киритилгандаги ва чиқарилгандаги ҳолатининг азот адсорбция-десорбция изотермалари: 1 – 100 °C; 2 – 350 °C; 3 – 550 °C.**

ПЭГ темплатли тўрларнинг микрорасмлари доимий диаметрлари 200-250 нм бўлган заррачалардан ташкил топган сферик ва цилиндрик шаклдаги


кўп сонли боғлараро каналларнинг мавжудлигини кўрсатди. Заррачаларнинг агрегацияси микро ўлчамли наноғовак структурани шакллантирган. Бунда 100 нм ўлчамли  $\text{SiO}_2$  ва  $\text{TiO}_2$  нанозаррачалари сферик шаклга эга.

Раман-спектроскопияси эритмадаги ПЭГнинг ҳолатини ва золь ҳосил бўлиш жараёнида полимер ва кремний диоксиди ёки титан диоксиди ўртасидаги ўзаро таъсирлашув оқибатида  $\text{Me-O-C}$  ( $\text{Me-Si, Ti}$ ) боғларнинг ҳосил бўлиш даражасини ўрганиш мақсадида қўлланилди. ПЭГ-кремний диоксиди гибрид материаллари тадқиқ этилганда,  $560 \text{ см}^{-1}$  да (Фурье-ИК) ва  $490 \text{ см}^{-1}$  да (Фурье-Раман)  $\nu(\text{Si-O-Si})$  дефект полоса пайдо бўлди ва ПЭГ концентрацияси ошиши билан кучайди. Сиртдаги қолдиқ силанол гуруҳларга тегишли бўлган  $-960 \text{ см}^{-1}$  (Фурье-ИК) ва  $-980 \text{ см}^{-1}$  (Фурье-ИК) даги  $\nu_s(\text{Si-OH})$  полосасининг интенсивлиги ПЭГ миқдорининг ошиши билан пасайди. ПЭГ-кремний оксид дастлабки ҳолати ва ПЭГ-титан диоксиди намуналарининг ИҚ-спектрлари ПЭГ молекулалари билан боғлиқ асосий ютилишларни намоён қилди.  $-\text{CH}_2$  гуруҳнинг симметрик ва асимметрик ютилишлари  $2852$  ва  $2922 \text{ см}^{-1}$  соҳада, тўлиқ бўлмаган конденсация натижасида ҳосил бўлган турли  $\text{Ti-OH}$  шаклларига тегишли унча кучли бўлмаган ютилиш  $\sim 940 \text{ см}^{-1}$  соҳада ва  $\text{C-C-O}$  боғнинг тебранишларини ифодаловчи чўққи  $\sim 1100 \text{ см}^{-1}$  соҳада кузатилди. Ушбу чўққилар термик ишловдан сўнг йўқолади, бу эса ПЭГ матрицадан бутунлай чиқиб кетганлигидан далолат беради. Термик ишловдан сўнг  $\text{Ti-O}$  валент тебранишларига тегишли  $580 \text{ см}^{-1}$  соҳада чўққи қолади, холос.

Диссертациянинг «**Титан диоксиди асосидаги ғовакли материалларнинг сорбцион-фотокаталитик жараёнларда қўлланилиши**» деб номланган тўртинчи бобда органик зарарли ифлослантирувчилар туркумидан бўлган фенол ва унинг ҳосилаларининг бир вақтда борувчи адсорбцияси ва фотокаталитик парчаланишида  $\text{TiO}_2$  асосидаги композитларни эффективлиги тадқиқ этилган.


Тадқиқот натижалардан кўриш мумкинки, вақт ўтиши билан модел эритмада фенол концентрацияси камайиб боради.

Бу эса фотодеградация жараёни бораётганидан далолат беради. Ушбу жараёнга янада аниқлик киритиш мақсадида, нанотузилишли  $\text{Ni}$  ва  $\text{Cr}$  кодопирланган  $\text{TiO}_2$  композити иштирокида фенол ва унинг ҳосилаларини парчаланиш жараёнида ҳосил бўлган эритмадан ҳар 10 минутда намуналар олиб турилди ва улар УБ-спектроскопия усули ёрдамида текшириб борилди (б-расм).



**6-расм. Ni ва Cr ко-допирланган TiO<sub>2</sub> композити иштирокида фенол концентрациясининг вақт мобайнида ўзгариши.**


3d металлари билан допирланган TiO<sub>2</sub> нанокompозити иштирокида фенол ва унинг ҳосилаларини парчаланиш жараёнини қуйидагича тушунтириш мумкин:



**1-схема. Кўринадиган ёруғлик нурланиши остида Cr-TiO<sub>2</sub> нинг фотокаталитик фаоллигининг мумкин бўлган механизми.**

Синтез қилинган фотокатализатор 3,04 эВ тақиқланган соҳа кенлигига эга бўлиб, фотокатализатор юзасида кўринувчан нурида кўзғалишда электрон ва тирқиш жуфтлигини ҳосил қилади. Ҳосил бўлган электрон-тирқиш жуфти, фотодеградация реакцияларида ва H<sub>2</sub>O молекулалари билан реакцияга киришиш натижасида ҳосил бўлган эркин радикал орқали ҳам иштирок этади.





Металл допирланган  $\text{TiO}_2$  даги  $\text{Cr}^{3+}$  иони фотогенерация қилинган электрон билан ушланиб қолади ва бу электрон тирқишлар жуфтлигини рекомбинациясини ҳосил қилади. Синтез қилинган Металл допирланган  $\text{TiO}_2$  нинг истиқболли фотокаталитик фаоллиги, рекомбинацияни олдини олиш йўли билан фотогенерацияланган электронлар ва кўринадиган ёруғлик нурланишининг шаклланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Олинган натижадан шуни айтиш мумкинки, Ni ва Cr ко-допирланган  $\text{TiO}_2$  наноконпозити саноат чиқиндилари билан ифлосланган оқава сувларни фенол ва унинг ҳосилаларидан адсорбцион-фотокаталитик тозалашда юқори фотокаталитик хоссасини намоён қилиши аниқланди.

Шунингдек, ушбу ишда  $\text{SiO}_2\text{-TiO}_2$  ғовакли материалида фенол ҳосилалари (п-крезол, 4-этилфенол ва 4-пропилфенол) нинг адсорбцияси ўрганилди. Олинган адсорбция изотерма эгри чизиқларидан кўринадики, ПЭГ-темплатланган  $\text{SiO}_2\text{-TiO}_2$  даги фенол ҳосилалари адсорбцияси Ленгмюр конуниятига бўйсунди. Ўрганилган алкилфеноллар учун Ленгмюр изотермаларининг градиенти ёрдамида  $\text{SiO}_2\text{-TiO}_2$  нанозаррачалари қатламнинг тўлиқ қопланиш ( $n_\infty$ ) моллар сони билан аниқланди.


Электрон-акцепторли таъсир қилувчининг фенол молекулалари билан шаклланиши ароматик ҳалқада ўрин олган электрон-донорли гуруҳлар ёрдамида ингибирланади. 4-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, адсорбция электродонор алкил гуруҳларнинг ўрин олишига ингибирланмайди. Алкил поғоналар адсорбент қатламлари билан кучли таъсирлашади.

## Алкилфеноллар учун чизикли Ленгмюр қийматлари


Таркибий қисмлар	Сувда эрувчанлик моль/л	Градиент ( $1/n_{\infty}$ ) моль <sup>-1</sup>	$n_{\infty}/M^2$ (μмоль/м <sup>2</sup> )
Фенол	1.08	6799	2.69
п-крезол	0.20	5712	3.20
4-этилфенол	0.07	6142	2.98
4-пропилфенол	0.01	6979	2.62

Алкилфенолларнинг сувдаги “dislike” даражасида алкил поғоналарнинг ортиши билан сувда эрувчанликнинг кескин пасайишини кузатиш мумкин. Қутбсиз SiO<sub>2</sub>-TiO<sub>2</sub> композити адсорбент ва сувли эритувчининг хоҳлаган бир “dislike” таъсирланиши билан мустаҳкамликнинг ортиши алкилфеноллар адсорбциясининг юқори даражасидан сўнг ҳаракатланувчи куч бўлиб ҳизмат қилади.

SiO<sub>2</sub>-TiO<sub>2</sub> да ва Mast carbon microspheres да олинган фенолнинг – нонилфенилэтоксилат (НФЭО) ҳосиласининг адсорбцияси рН нинг турли қийматларида (3 дан 11 гача) ўтказилди. НФЭО нинг кимёвий тузилиши (2-схема) ва тадқиқот натижалари (7-расм) келтирилган.



2-схема. НФЭО нинг кимёвий тузилиши



7-расм. Қуйидаги намуналардаги (рН=3-11) НФЭО нинг адсорбцияси: ■ - SiO<sub>2</sub>-TiO<sub>2</sub>; ◆ - Mast carbon microspheres.

Турли рН қийматларида НФЭО нинг адсорбцияси адсорбат ва адсорбент ўртасидаги таъсирланиш тўғрисида маълумот беради. Бунда икки ҳолатдаги юқори адсорбция қийматида  $pH=8$  да эришилди. Юқори рН кўрсаткичларида фенолнинг адсорбцияси ҳолатида электростатик итарилиш устунлик қилади ва адсорбцияланган фенол миқдори камайиб боради, бироқ НФЭО нинг адсорбциясида электростатик итарилиш рН нинг юқори кўрсаткичларида тасдиқланмайди. Ушбу ходисани икки усул ёрдамида тушунтириш мумкин. Биринчидан, НФЭО молекулалари фенолга қараганда кучсиз кислоталиликни намоён қилади ва  $-OH$  гуруҳларнинг диссоцияланиш даражаси якуний этоксилатли поғоналарда ва юқори рН кўрсаткичларда пастдир. Иккинчидан, этоксилатли поғоналар гидрофил ва қайишқоқ ҳисобланади, модомики, терминал  $-OH$  гуруҳ адсорбент қатлами билан таъсирлашмайди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Золь-гель жараёнини турли хил гидролитик агентлар иштирокида титан алкоксидларининг етарли миқдорларида ўтказиш натижасида битта анатаз  $TiO_2$  фазадан иборат бўлиши аниқланди, бундай фаза полиморфик модификациясининг шаклланиши гидролитик агентлар миқдори кам бўлганида титан координацион муҳитини шакллантиришга таъсир қиладиган  $Ti-O-Ti$  боғланишлари юзага келиши натижасида анатаз модификациясини ҳосил қилиш имконини берди.

2. Никель ва хром киритилган титан диоксид нанокөмпозитлари олиш усуллари ишлаб чиқилди ва металл ионларининг  $TiO_2$  кристалл панжарасида асосан анатаз фазасидан ташкил топганлиги ва яхши шаклланган 21-24 нм ўлчамли нанокристалллардан ҳамда ўртача ўлчами  $\sim 4.8$  нм тор ораликдаги мезоғоваклар тақсимланишидан иборатлиги шунингдек, моно ва кодопирланган титан диоксид нанокристалларининг текстуравий (солиштирма сирт юзаси, ғоваклар ҳажми ва ўлчами) характеристикалари дастлабки титан диоксидга нисбатан юқори кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди.

3. Титан диоксид нанокристалларига никель ва хром металлларини биргаликда киритиш натижасида абсорбция чегарасининг 630 нмга силжиши ва энергетик соҳасининг оптимал энергияси 2.18 эВ гача камайиши ҳамда фотолюминесценция интенсивлиги камайганлиги кузатилган, бу эса электрон/тирқиш рекомбинация тезлигининг пасайишини ва металллар кодопирланган  $TiO_2$  учун кўринувчан нурлар таъсирида юқори фотокаталитик активлик хоссасини намоён қилиши ўрганилди.

4. Кремний ва титан алкоксидларининг гидролитик поликөнденсациясидан олинган ғовакли  $TiO_2-SiO_2$  көмпозитлари иштирокида фенол ва унинг ҳосилалари адсорбцияси оптимал шароитлари танланди, ғовакли адсорбент юзаси ва фенол ҳосилалари молекулалари орасидаги ўзаро боғланишларнинг ҳосил бўлиши итарилиш эффеқтларини камайтиради, шу билан биргаликда фенол адсорбцияси биринчи тартибли реакцияга мансуб бўлиб, унинг ҳосилалари адсорбциясига нисбатан юқори тезликда бориши имконини берди.

5.  $TiO_2$  асосидаги нанокөмпозитлар саноат чиқинди сувларини таркибидаги фенол ва унинг ҳосилаларининг миқдорини 30% гача камайтириши аниқланган ва натижада ғовакли  $TiO_2$  асосидаги нанокөмпозитлар саноат чиқинди сувларини тозалашда таркибида ифлослантирувчи фенол ва унинг ҳосилаларининг миқдорини камайтириш учун Ўзбекнефтегаз АЖ қошидаги «Газли нефт ва газ қазиб чиқариш» бирлашмаси амалиётига жорий қилиш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.12.2019. К.01.03 ПРИ  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**МУСАЕВ ХУСНИДДИН БАХТИЁРОВИЧ**

**ПОЛУЧЕНИЕ НАНОСТРУКТУРНЫХ ОКСИДОВ МЕТАЛЛОВ И ИХ  
ЭКОИСПОЛЬЗОВАНИЕ**

02.00.04– Физическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/K19.

Докторская диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [ik-kimyo.nuu.uz](http://ik-kimyo.nuu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz).

**Научный руководитель:** Рузимурадов Олим Нарбекович  
Доктор химических наук

**Официальные оппоненты:** Абдурахмонов Эргашбой  
Доктор химических наук, профессор

Шаисламов Улугбек Алишерович  
Доктор философии по техническим наукам

**Ведущая организация:** Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «20» апрель 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019. K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № 10). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24.)

Автореферат диссертации разослан «03» апрель 2021 г.

(протокол рассылки № 4 от «03» апрель 2021 г).



**З.А. Сманова**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.х.н., профессор

**Д.А. Гафурова**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.х.н.

**М.Г. Мухамедиев**  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире все большее значение приобретает применение современных технологий для ускоренного развития промышленности, решения экологических проблем, производства конкурентоспособной и экологически чистой продукции. За последние десятилетия важное значение приобрело экономическое развитие, основанное на инновационном подходе с применением нанотехнологий, при котором производство промышленно необходимой продукции на основе этих технологий составляет 35% в год. В таких процессах создание наноразмерных материалов с использованием нанотехнологий, дальнейшее улучшение их физических и химических свойств имеют большое научное и практическое значение. Применение золь-гель технологии в производстве наноструктурированных материалов обеспечивает получение высокочистых, гомогенных, низкотемпературных химических процессов и введение в реакционную систему ряда оксидов металлов переменной валентности. Производство пористых материалов и их эффективное применение открывает возможность создания новых типов сорбционно-фотокаталитических материалов с улучшенными свойствами при решении различных задач, связанных с охраной окружающей среды. Это особенно очевидно в промышленных масштабах при очистке сточных вод современными методами, включая использование пористых наноструктурированных материалов.

В республике в последние годы большое внимание уделяется производству наноразмерных пористых порошков и монолитных материалов на основе диоксида титана с использованием нанотехнологий. Увеличение удельной поверхности за счет уменьшения размера частиц диоксида титана приводит к увеличению количества реакций, протекающих на поверхности. Кроме того, узкое их распределение по размерам сокращает расстояние до зоны реакции на поверхности диоксида титана, что приводит к эффективному разделению фотогенерированных носителей заряда. В области нанотехнологий получение адсорбент-фотокаталитических материалов с заданной функциональностью с помощью золь-гель процесса создает широкие возможности для разработки методов нового поколения для синтеза пористых материалов.

В нашей стране запускаются промышленные предприятия на основе внедрения современных технологий в различных отраслях промышленности, налаживается модернизация и производство на их основе новых видов продукции. Адсорбционные материалы различных форм широко используются при водоподготовке и очистке сточных вод на таких предприятиях. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ставит задачи «поднять промышленность на качественно новый уровень, ускорить производство готовой продукции, освоить и усовершенствовать технологии для новых видов продукции путем глубокой

переработки местного сырья»<sup>3</sup>. Производство пористых материалов и их эффективное применение открывает возможность создания новых типов сорбционно-фотокаталитических материалов с улучшенными свойствами при решении различных задач, связанных с охраной окружающей среды.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2019 года № УП-5707 «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019 – 2021 годах», Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология» от 6 ноября 2020 года №ПП-4884 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии VII – «Химическая технология и нанотехнология».

